

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ЖОРИЙ АКТИВЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛГА ТАЪСИР МЕХАНИЗМИ

Шерзод Бахтиёрович МАХМУДОВ

мустақил тадқиқотчи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: Tushina888@mail.ru

Аннотация

Мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият кўрсатиш тизимида жорий активлар нафақат активларни шакллантириш жараёни, балки ривожланишнинг деярли барча стратегик, тактик ва тезкор вазибаларини ҳал қилишда, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор қиймати ва инвестицион жозибадорлиги ўсишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таҳлилга тортилган.

Таянч сўзлар: жорий активлар, доимий ва ўзгарувчан жорий активлар, жорий активлар ҳажми, жорий активларнинг таснифи, жорий активларнинг айланиши, жорий активларнинг таҳлили.

МЕХАНИЗМ ФОРМИРОВАНИЯ ОБОРОТНЫХ АКТИВОВ В ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТАХ И ЕГО ВЛИЯНИЕ НА ФИНАНСОВЫЙ АНАЛИЗ

Шерзод Бахтиёрович МАХМУДОВ

независимый соискатель

Ташкентский государственный экономический университет

Ташкент, Узбекистан

Tushina888@mail.ru

Аннотация

В статье анализируется важная роль оборотных активов в системе функционирования хозяйствующих субъектов не только в процессе формирования активов, но и в решении практически всех стратегических, тактических и оперативных задач развития, обеспечивающих рост рыночной стоимости и инвестиционной привлекательности хозяйствующих субъектов.

Ключевые слова: оборотные активы, постоянные и переменные оборотные активы, объём оборотных активов, классификация оборотных активов, оборачиваемость оборотных активов, анализ оборотных активов.

Жорий активларни шакллантириш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш жараёнида молиявий муносабатларнинг турли йўналишлари вужудга келади.

Уларнинг моддий асоси ўз капиталини шакллантириш бўлиб, пул фондлари

ва захиралар ҳаракати, фойда олиш ва мамлакат даромадини яратиш билан бирга кечадиган пул маблағлари ҳаракатидир.

Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият кўрсатиши жорий активларни бошқариш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг самарадорлиги молиявий барқарорлик ва кейинги ривожланишни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан биридир. Шу сабабли жорий активлар таҳлилининг асосий жиҳатларини тадқиқ этиш, уларнинг хўжалик юритувчи субъект бошқарув тизимидаги ўрнини аниқлаш долзарб ҳисобланади.

Жорий активларнинг иқтисодий моҳиятини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг иқтисодий мазмуни масаласи, кўплаб илмий тадқиқотлар мавжуд бўлишига қарамасдан, ҳанузгача мунозарали бўлиб қолмоқда, деган хулосага келиш имконини беради.

Замонавий шароитда жорий активларни ўз манбаларининг етишмаслиги, уларнинг ҳажмини режалаштиришнинг оқилона бўлмаган тизими, шакллантириш манбаларини молиялаштириш, жорий назорат қилиш жорий активлардан самарасиз фойдаланишга олиб келмоқда. Демак, хўжалик юритувчи субъектларнинг жорий активларини оқилона ташкил этиш ва улардан самарали фойдаланиш молиявий ҳолат тизимининг асосий элементиدير.

Е.Карпычеванинг фикрича “Жорий активлардан оқилона фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилдир, шунинг учун жорий активлар категориясини назарий жиҳатдан ўрганиш, уларнинг моҳиятини тушуниш катта амалий аҳамиятга эга” [2;27].

И.Бланкнинг таъкидлашича «Жорий активларни шакллантиришга агрессив ёндашув ушбу активларнинг айрим турлари бўйича суғурта захираларининг барча шакллари минималлаштиришдан иборат. Операцион фаолият жараёнида етишмовчиликлар бўлмаса, жорий активларни шакллантиришга бундай ёндашув улардан фойдаланиш самарадорлигининг энг юқори даражасини таъминлайди. Бироқ, ички ёки ташқи омилларнинг таъсиридан келиб чиқадиган нормал фаолият жараёнини

амалга оширишдаги ҳар қандай муваффақиятсизликлар ишлаб чиқариш ва сотишнинг қисқариши туфайли катта молиявий йўқотишларга олиб келади» [1;534].

В.Ковалев фикрига кўра «Жорий активлар манбаларини бошқариш сиёсатини ҳисобга олган ҳолда сиёсат ликвидликни йўқотиш хавфи ва самарадорлик ўртасида муросани таъминлаши керак» [3;512] деб ҳисоблайди.

Д.Мавлянованинг илмий тадқиқот ишида «Жорий активлар бухгалтерия ҳисобини тартибга солишни такомиллаштириш, уларнинг таҳлилий таъминотини ривожлантириш учун хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб сиёсатига «жорий активлардан самарали фойдаланиш» ёки «жорий активларни бошқариш» [4;24] деб номланган бўлим киритиши лозим. Бу бўлимда жорий активларнинг ҳажми ва таркибига бўлган меъёрлар татбиқ қилинади. Ушбу меъёрлар орқали хўжалик юритувчи субъектда бошқарув самарадорлигини баҳолаш имконияти юзага келади» деган фикр келтирилган.

Юқоридаги тушунчаларнинг моҳиятини талқин қилишда маҳаллий олимларнинг ёндашувларини ҳисобга олган ҳолда, жорий активларни тушуниш бўйича ягона фикр йўқлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин, бу эса хўжалик юритувчи субъектларнинг жорий активларни нафақат бошқариш, балки уларни таҳлил қилишнинг самарали механизмини шакллантириш ва ташкил этишга салбий таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, куйидаги таърифлардан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, икки тоифани ўзаро боғлиқликда ва бир-бирини тақозо этган ҳолда кўриб чиқиш зарур, чунки хўжалик юритувчи субъект айланма капиталининг амал қилиши унинг жорий активларининг доиравий айланиши жараёнида содир бўлади. Бинобарин, жорий активлар хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига хизмат кўрсатувчи активлар (ресурслар)нинг бир қисми сифатида

намоён бўлади, айланма капитал эса кўрсатилган ресурсларни молиялаштириш манбаидир.

Ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондларининг айланма ҳаракати жараёнида улар ўртасида муҳим ўхшашлик мавжуд, яъни ҳар бир доиравий айланишдан кейин натурал шаклда ва қиймат ифодасида янгилашиш намоён бўлади. Ишлаб чиқариш фондларининг ва муомала фондларининг доиравий айланиши ўзаро боғлиқ бўлиб, ягона ва умумий айланишни ташкил этади. Ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондларини айланма маблағларга бирлаштириш ишлаб чиқариш жараёни ва маҳсулотни сотишнинг узлуксизлигини таъминлаш имконини беради.

Жорий активларнинг айланиши содир бўладиган вақтдаги давр ишлаб чиқариш ва молиявий даврларни бирлаштирувчи операцион даврнинг давомийлигини ифодалайди. Хўжалик юритувчи субъектнинг операцион даври – тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш захиралари сотиб олинган вақтдан бошлаб, сотган маҳсулот учун дебиторлардан пул олгунга қадар бўлган вақтдир.

Жорий активларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ташкилий ва услубий асосларига боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятларга эга. Хўжалик юритувчи субъектларни маркетинг орқали бошқариш ишлаб чиқаришни сотиш фаолиятининг самарадорлигига йўналтиради ва функционал фаолиятни турлари бўйича ташкил этишга олиб келади. Бу эса бевосита уларнинг жорий активлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларида акс этади. Жорий активларнинг тўғри таснифланиши нафақат уларни тўлиқ ёки алоҳида таркибий қисмларини ҳисобга олиш тартибига, балки уларнинг молиявий таҳлилигига ҳам боғлиқдир.

Жорий активларни манбалари бўйича таснифлашга ёндашувда таҳлилни амалга ошириб, уларни тизимлаштириб ва тўлдириб, хўжалик юритувчи субъектларнинг жорий активларини таснифий белгилари бўйича гуруҳлаш мақсадга мувофиқ.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, жорий активлар таснифий белгиларининг дастлабки гуруҳи уларни ташкил этиш даражасини белгилаб, жорий активларнинг кўрсаткичлари бўйича таснифлашни назарда тутди. Келтирилган таснифий белгиларнинг аксарияти ҳаммага маълум ва хўжалик юритувчи субъектларнинг жорий активларини бошқаришда кенг қўлланилади. Жорий активларни ташкил этилишини таъминлаш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

1) фойдаланиладиган доимий ва ўзгарувчан жорий активларни фойдаланиш даражаси бўйича ажратадиган мавжуд таснифини мавсумий фойдаланиладиган жорий активлар билан тўлдириш жорий активларнинг мавсумий таркибий қисмини ажратиш ва таҳлил қилиш имконини беради;

2) жорий активлар ҳажмининг етарлилиги даражаси бўйича ортиқча, мақбул ва тақчил жорий активларга таснифлаш жорий активларни самарали бошқаришни таъминлаш мақсадида уларнинг айрим элементлари қолдиқларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва мақбуллаштириш имкониятларини кенгайтиради;

3) шакллантиришнинг узлуксизлиги ва шаклланиш вақт оралиқларининг барқарорлиги белгилари бўйича пул оқимлари таснифини жорий активларга мослаштириш, яъни жорий активларни истеъмол қилишнинг узлуксизлиги ва барқарорлиги белгисини ажратиб кўрсатиш ва уларни қуйидагиларга ажратиш, яъни:

– бир текис ва нотекис вақт оралиқлари билан мунтазам истеъмол қилинадиган жорий активлар;

– дискрет истеъмол қилинадиган жорий активлар.

Бундай таснифлаш назоратни муайян вақт оралиғида ва хўжалик юритувчи субъектнинг бутун ҳаётининг цикли доирасида ҳам амалга ошириш имконини беради.

Хўжалик юритувчи субъектлар жорий активларининг самарали ишлашини ташкил этиш мақсадида, таснифий белгиларнинг иккинчи гуруҳига нисбатан қуйидагилар таклиф этилади:

фаолият турларига хизмат кўрсатиш хусусияти бўйича хўжалик юритувчи субъект активларининг мавжуд таснифини жорий активлар таснифига мослаштириш. Бунда хўжалик юритувчи субъект жорий активларининг даромадлилигини операцион фаолият ва молиявий кўйилмалар бўйича алоҳида ҳисобга олиш, таҳлил қилиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида бевосита иштирок этувчи операцион, инвестицион маблағларни – қисқа муддатли молиявий инвестицияларни фарқлаш;

жорий активларнинг мақсади ва айланма капиталнинг доиравий айланиши жараёнида фаолият кўрсатиш муддатига қараб қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли турларга таснифлаш, бу эса маълум вақт давомида етарли ҳажмдаги жорий активлардан фойдаланишдан олинadиган даромадни назарда тутиш имконини беради.

Жорий активларни шакллантириш манбалари ва бундай манбаларни жалб қилиш қийматини белгиловчи жорий активларнинг таснифий белгиларининг навбатдаги гуруҳига қуйидагилар бўйича гуруҳлаш киради:

- шакллантириш манбалари;
- шакллантириш манбаларининг шакли;
- мулк ҳуқуқи;
- шакллантириш манбаларининг хусусияти;
- инфляциядан ҳимояланганлик даражаси;
- ички шакллантириш қиймати;
- жорий активларни ташқи жалб қилиш қиймати.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик фаолиятини молиялаштириш баъзан ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун ташқи ва ички манбалардан қўшимча молиявий ресурсларни сезиларли даражада жалб қилишга муҳтож бўлганлиги сабабли, бундай ресурсларни жалб қилиш қийматини аниқлаш масаласи кўйилади. Хусусан, хўжалик юритувчи

субъектларнинг жорий активларини ички шакллантириш ва ташқи жалб қилиш қийматини аниқлаш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

1) жорий активларни ички шакллантириш қиймати белгиси бўйича таснифлаш, яъни: жалб қилиниши қўшимча харажатларни талаб қилмайдиган ўз айланма маблағлари ва жалб қилиниши муайян трансакция харажатларини амалга оширишни талаб қиладиган ўз айланма маблағлари;

2) муайян қийматдаги трансакция харажатлари мавжуд бўлганда – бунда трансакция харажатларининг энг кам, ўртача ва юқори қийматидаги жорий активларни ажратиш;

3) жорий активларни ташқи жалб қилиш қиймати бўйича: шакллантириш қиймати энг кам, ўртача ва юқори бўлган жорий активларга таснифлаш.

Таклиф этилган жорий активлар таснифини қўллаш жорий активларни ички шакллантириш ва ташқи жалб қилишнинг мумкин бўлган муқобил вариантларини моделлаштириш орқали уларни шакллантиришнинг энг кам тўлдириш қиймати билан мақбул манбаларини танлаш имконини беради.

Жорий активларни таҳлил даражасини тавсифловчи аломатларнинг кейинги гуруҳи жорий активларни таснифлашни назарда тутди:

ликвидлилиқ даражаси, айланиш тезлиги;

фойдалилик даражаси;

бўнак (аванс)лаш таваккалчилиги даражаси;

қиймат даражаси;

яқуний натижага таъсир даражаси бўйича.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда жорий активлар таҳлилининг самарадорлигини янада ошириш учун қуйидагиларни таклиф этишимиз мумкин:

1) пул оқимларининг яқуний натижага таъсир даражаси бўйича таснифини устувор, иккинчи даражали ва хизмат кўрсатувчи жорий активларни ажратган ҳолда жорий активларга мослаштириш. Бундай

таснифлаш ABC- ва XYZ-таҳлил мақсадларига жавоб беради ва жорий активларнинг энг даромадли ва энг кам рентабелли элементларини ажратиш имконини беради;

2) назорат даражасига кўра, жорий активларни назорат қилинадиган ва заиф назорат қилинадиган турларга ажратиш, бу хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари ва менежерларининг жорий активлардан фойдаланишга нисбатан таъсирини кучайтириш ҳамда жорий активларнинг тегишли гуруҳига эътибор қаратиш имконини беради.

Бу жорий активларнинг самарали фаолият кўрсатиши ва оқилона бошқарилишига ҳар томонлама ва мақсадли таъсир кўрсатишни таъминлайди.

Жорий активларнинг таркиби ва тузилиши хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатини белгилайди, бу эса, ўз навбатида, унинг рақобатбардошлигига таъсир қилади. Чунки у хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатчиларнинг беқарорлаштирувчи ҳаракатларига самарали жавоб бериш, ўз қарз мажбуриятларини бажариш, бизнеснинг рентабеллигини ошириш лаёқатини, қўллаб-қувватлаш қобилиятини ифодалайди.

Жорий активларнинг алоҳида элементларига нисбатан асосан қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: ишлаб чиқаришнинг хусусияти ва ҳажми, хўжалик фаолиятини амалга ошириш тизими, хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш йўналиши ва молиявий ҳолати. Жорий активлар таркибидаги ҳаракатлар мажмуида аввало уларнинг асосий таркибий қисмлари ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши эътиборни тортади.

Фақат жорий активлар билан оптимал таъминланганлик фаолиятнинг бир текис ва уйғунлигига олиб келади. Инновацион ривожланишни таъминлаш, хўжалик юритувчи субъект харажатлари таркибида қўшилган қиймат улушини ошириш, янги маҳсулотларни яратиш ёки мавжудларини бозорнинг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ модификациялаш имкониятини яхшилашнинг энг муҳим шартларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлиги хўжалик юритувчи субъект тузилмасининг алоҳида элементи бўлган, унинг барқарор молиявий аҳволини, кредитга лаёқатлилик даражасини, инвестициявий жозибадорлигини белгилайдиган жорий активлар билан таъминланади. Дебиторлик қарзлари ва ишлаб чиқариш захиралари шаклидаги жорий активлар элементлари пул маблағлари ҳаракатсиз бўлган таркибий қисмлардир.

Пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва ишлаб чиқариш захираларининг паст даражадаги ҳолати хўжалик юритувчи субъектнинг тўловга қобилиятсизлиги ва паст рентабеллигига олиб келади.

Ишлаб чиқариш ва муомалада фойдаланиладиган ҳамда доимо фаол трансформацияда бўлган (сотиб олишдан фойдаланиш ёки сотишгача) айланма моддий активлар захираларни ифодалайди.

Хўжалик юритувчи субъект даражасидаги захиралар кўплаб капитал кўйилмаларни талаб қиладиган объектларга тегишли бўлиб, улар хўжалик юритувчи субъект сиёсатини белгилайдиган ва унинг фаолияти самарадорлиги даражасига таъсир кўрсатадиган омиллардан бири ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришда ҳисобдан чиқарилган ишлаб чиқариш захиралари учун харажатларни маҳсулот таннархига ҳисобдан чиқариш тартибини таъминлаш, тайёр маҳсулот захиралари учун эса унинг қийматини ҳисобга олишни ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Бу, айниқса, ишлаб чиқариш даври уч йилдан ортиқ давом этиши мумкин бўлган йирик хўжалик юритувчи субъектлар учун муҳим аҳамиятга эга. Операцион даврнинг сезиларли давомийлиги жорий активлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни тўплашни аниқ ташкил этиш ва таҳлилий таъминлаш жараёнида уларнинг қийматини капиталлаштириш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур бўлганда, харажатларни тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот қийматида капиталлаштиришни тақозо этади.

Захираларни самарали бошқариш икки асосий жиҳатни ҳисобга

олишни назарда тутати:

–хўжалик юритувчи субъектни керакли маҳсулотни етарли миқдорда, маълум муддатда ва керакли жойда тайёрлаш учун ишлаб чиқариш захиралари билан таъминлаш билан боғлиқ;

–захираларнинг маълум даражасини сақлаб туриш харажатлари билан боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда ишлаб чиқариш хўжалик юритувчи субъектларининг жорий активларни таҳлил этиши етарли даражада такомиллашмаган бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Бунда таҳлил натижалари самарадорлигини пасайтирадиган асосий камчиликлар орасида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

–хом ашё ва материалларнинг ортиқча захиралари мавжудлиги, бу омбор харажатларини оширади ва сақлаш натижасида захиралар қийматининг йўқолишига олиб келади;

–хўжалик фаолиятида захираларни таҳлил этишда логистик моделлардан етарли даражада фойдаланмаслик;

–ишлаб чиқариш жараёни босқичлари ўртасида ресурсларни тақсимлаш устидан таъсирчан назорат тизимларининг мавжуд эмаслиги;

–моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг асосий фондларнинг техник ҳолатига юқори даражада боғлиқлиги;

–маҳаллий хўжалик юритувчи субъектларда жорий активларнинг тўпланишига мажбур қиладиган ва шу тариқа активлар ликвидлигининг пасайишига олиб келадиган солиқ қонунчилигининг номукамаллиги.

Хўжалик юритувчи субъектларни таҳлил қилишда тўлов қобилияти пастлигининг ўзига хос белгилари дебиторлик қарзларини ўз вақтида тўланмаслиги ёки тўлиқ тўланмаслиги бўлиб, бу эса шубҳали ва умидсиз дебиторлик қарзларининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун дебиторлик қарзларини таҳлил қилиш ва уларни жорий активлар таркибида самарали бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, хўжалик юритишнинг

барча тармоқларидаги кўплаб хўжалик юритувчи субъектлар учун долзарб масала ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бланк И.А. Финансовый менеджмент /И.А.Бланк/ - 2 изд. перев. и доп. – Киев: Эльга, Ника-Центр, 2007.
2. Карпычева Е.Ю. Формирование механизма управления оборотными средствами предприятий АПК: Орловский государственный институт экономики и торговли. – Воронеж, 2014.
3. Ковалев В.В. Финансовый анализ: Управление капиталом. Выбор инвестиций. Анализ отчетности. / / – 2-е изд., перераб. и доп. – Москва: Финансы и статистика, 1998.
4. Мавлянова Д.М. Жорий активлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини услубий жиҳатларини такомиллаштириш: иқтисод фанлари бўйича (PhD) фалсафа докторлиги диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2020.